



"YER RESURSLARIDAN OQILONA FOYDALANISH: HUQUQIY, EKOLOGIK VA SIYOSIY ASPEKTLAR"

Усманов Ю.А.¹, Оринбаев Қ.А.²

¹Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш миллий тадқиқот университети профессори-ўқитувчиси.

²Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш миллий тадқиқот университети "Кадастр (фаолият тури бўйича)" йўналиши талабаси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15663614>

ARTICLE INFO

Received: 01st June 2025

Accepted: 05th June 2025

Published: 13th June 2025

KEYWORDS

Ерларни муҳофаза қилиш, оқилона фойдаланиш, ҳуқуқий асослар, ер қонунчилиги, кадастр, рақамли мониторинг, давлат назорати, экологик хавфсизлик, барқарор ривожланиш, рақамли трансформация, ҳуқуқий ислохотлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, экологик мониторинг, геоахборот тизимлари, ер деградацияси, жамоатчилик назорати, ер ресурсларини бошқариш.

ABSTRACT

Мазкур илмий мақолада Ўзбекистон Республикасида ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқий асослар ҳамда меъёрий-тартибга солиш механизмлари таҳлил қилинган. Ер табиий ресурслар ичида энг муҳимларидан бири бўлиб, мамлакат иқтисодий ва экологик хавфсизлигида ҳал қилувчи ўрин тутди. Шу боис, уни самарали муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланишни таъминлаш учун ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш долзарб вазифалардан саналади. Мақолада ер қонунчилигидаги ислохотлар, давлат кадастри органларининг фаолияти, рақамлаштириш жараёнлари ва мониторинг тизимлари, ерлар деградацияси, ўзбошимчалик билан эгаллаш ва ҳуқуқни амалга оширишдаги муаммолар кенг ёритилган. Шунингдек, ҳуқуқий, институционал ва технологик йўналишларда аниқ таклиф ва тавсиялар берилган.

Кириш

Ер табиат маҳсули сифатида пайдо бўлган ва инсонга боғлиқ болмаган ҳолда мавжуддир. Ер ресурслари — халқ хо'жалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиш мумкин бўлган ерлардир. Ердан оқилона ва самарали фойдаланиш зарурияти, энг аввало, уни табиий ресурс сифатидаги ўзига хос хусусиятлари билан асосланади: Фойдаланишнинг кўпмақсадлилиги, ўлчамларни чегараланганлиги, бошқа ресурслар билан алмаштириб бўлмаслиги, уни бир жойдан бошқага кўчириб бўлмаслиги, тупроқ унимдорлиги, ўз хусусиятларини емирмаслик, аксинча уларни яхшилаш хусусиятига эга. Ерларни қишлоқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида фойдаланиш бошқа табиий ресурслар билан биргаликда, уларни ма'лум бир мақбул нисбатларидагина мумкиндир. Бундан ташқари, жамиятнинг моддий ҳамда бошқа турларидаги бойликларга доимо ўсиб бораётган талаби ер ресурсларидан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилишга эҳтиёткорлик муносабатда бўлиши талаб қилинади. (1-расм). Оқилона ердан фойдаланишнинг мазмуни анчагина мураккаб ва мажмуали тушинчадир.

Ерлардан оқилона фойдаланиш деганида, одатда ма'лум бир мақсадни кўзлаган холда инсонни ерга нисбатан ма'лум мақсадли, оқилона ҳаракати тушинилади. Бунда қўйилган мақсадга эришиш учун танланадиган усуллар ҳамда воситалар турлича бўлиши мумкин, я'ни ушбу тушунчани ҳаётга тадбиқ қилишда турлича усуллардан фойдаланиш мумкин. Демак, у сифатли жараён бўлмасдан, балки олдиндан ўрганилган, режалаштирилган ва ташкил этилган жараён дир.



1-расм. Ерлардан оқилона фойдаланиш.

Шунинг учун, давлат миқёсида ерлардан оқилона фойдаланишнинг мазмуни тўғрисида сўз юритилганда, ушбу тушунчани тадбиқ қилиш воситалари ва услублари жамиятини ривожлантиришнинг иқтисодий қонунларига асосланган, ушбу жамиятдаги иқтисодий-ижтимоий алоқалар ҳамда муносабатлар объекти сифатидаги ерларни мавжуд бўлиш қонуниятларини ҳисобга олиш албатта ўз ичига олади. Бунда ерлардан фойдаланиш, қоидага биноан қабул қилинган мезонлар, шартлар нуқтаи назаридан белгиланадиган “оқилоналик” жараёни у ёки бу чеклашлар билан аниқланади. Масалан, ерлардан фойдаланиш иқтисодий самарадорлик учун ма'лум бир зарар билан олдиндан аниқланган, зарурий ижтимоий самарадорлик билан олдиндан аниқланган бўлиши мумкин. Ерлардан оқилона фойдаланиш иқтисодининг барча тармоқларида ва ноишлаб чиқариш соҳаларида ер ресурсларидан илмий асосланган, ма'лум бир мақсадли фойдаланишни кўзда тутуди. У мамлакат ер фондини мақсадли моҳияти бўйича тақсимланишини ҳамда улардан имкон борича юқори самарадорлик билан фойдаланишни ўз ичига олади. Бунда ноқишлоқ хўжалик мақсадлари учун иқтисодий ер ажратишига, тупроқ унумдорлигини ошириши билан бир вақтда ернинг унумдорлик хусусиятини иқтисодли сарфланишига риоя қилинишига ҳамда ерлардан оқилона фойдаланишни экологик та'мирланишига эришиш зарур.

“Ерлардан оқилона фойдаланиш-бу, энг аввало, давлат томонидан белгиланган мақсадга мувофиқ ижтимоий чиқаришда ундан фойдаланиш самарадорлигини та'минлаш дир”. Бунда ерлардан оқилона фойдаланиш вазифаси улар томонидан шундай аниқланади: “ҳар қандай фаолиятнинг ўзига хос шарти ҳамда қишлоқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатидаги ердан фойдаланиш жараёнида ерни бошқа табиий омиллар билан ўзаро та'сирининг фойдалигини ҳисобга олган ҳолда ва ерларни муҳофаза қилишда мумкин қадар юқори самарага эришиш дир. Оқилоналик тушунчаси ҳар доим мақсадга мувофиқлик билан бўлганлиги сабабли ердан фойдаланишнинг оқилоналиги ердан ишлаб чиқаришда ва ноишлаб чиқаришда фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлигини билдиради. Бунда ерлардан оқилона фойдаланиш у томонидан қуйидагича аниқланади: “ерлардан оқилона фойдаланиш мезони-бу ноқишлоқ хўжалик мақсадлари учун ерлардан иқтисодли ажратиш ҳамда тупроқ унумдорлигини, доимо ошириб бориш асосида жамиятни ерга бўлган илмий асосланган ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш талабларининг мажмуасидир”.

“Оқилона” тушунчаси амалда ерлардан фойдаланиш жараёни амалга оширилади, шу билан бир вақтда, “самарадорлик”-бу ушбу жараён натижаси, я’ни олинган самара нуқтаи назардан унинг оқибатидир. Вақт белгиси бўйича, “оқилона” тушунчасининг бошланғич бўғинини ташкил этади, я’ни бирламчи ҳисобланади, деган хулоса келиб чиқади. Аммо ердан “оқилона” фойдаланиш оқилона фойдаланиш фақатгина жамиятнинг кўп қиралли манфаатларига жавоб берувчи ушбу жараённи амалга оширишнинг тўла самарадорлигини берилган параметрлари нуқтаи назардан мумкин бўлади. Демак, ердан фойдаланиш “самарадорлиги” жамиятнинг кўп миқдорли манфаатларини амалга ошириш заруриятларидан келиб чиқадиган бошланғич дақиқасидир, унга эришиш эса шунча мос шароитлар, мезонларни белгилаш йўли билан ушбу жараённи “оқилоналаштириш” ҳисобига эришилади. Қараб чиқиладиган тушунча битта муаммонинг ўзаро боғлиқ икки томонини ташкил этади, улар алоҳида-алоҳида тарзда мавжуд бўлиши ва биттаси, иккинчисиз қараб чиқилиши мумкин эмас, ердан фойдаланиш нуқтаи назаридан улар узвий ўзаро боғлиқликдирлар. Ерлардан кўп мақсадли фойдаланиш нуқтаи назардан “оқилоналик”сиз ерлардан фойдаланишнинг тўпланган “самарадорлиги” мавжуд эмас, олдиндан асосланган тўлиқ самарадорлигисиз ерлардан оқилона фойдаланиш мавжуд эмас. Шу билан бир вақтда жамият ерлар фойдаланиш натижаларига, я’ни унинг самарадорлигига бефарқ эмас, албатта. Биринчи омилсиз тўлиқ самарадорликка эришиш учун манбаа мавжуд эмас, иккинчи омилсиз эса ердан фойдаланиш ўз мазмунини йўқотади. Ушбу иккита тушунча бир-бирларидан фарқ қилувчи алоҳида мазмунларга эгадир. Биринчи тушунча қандай шартлар асосида, ўлчамлар, чегараланишлар ҳамда қандай талаблар билан ерлардан фойдаланиш амалга оширилишини аниқлайди. Иккинчиси эса бундай шартда қандай тўлиқ самара олинишини аниқлайди. Бошқача қилиб айтганда, ердан фойдаланиш “самарадорлиги” ушбу жараёни амалга ошириш учун аниқ шартларни олдиндан белгилаш асосида эришилади, “оқилоналик” эса ердан фойдаланишда амалга оширилади ҳамда самарадорлик кўринишида намаён бўлади. Демак, биринчи навбатда айнан ушбу тоифага ҳар томонлама тавсиф бериш, унинг мазкур қирраларини ажратиши талаб қилинади. Айнан ушбу қирралари ерлардан оқилона фойдаланиш тушунчаси моҳиятини аниқлашда тадбиқ қилиниши зарур”.

Ерлардан самарали фойдаланиш иқтисодий тоифа ҳисобланади, аммо бу тушунча, қоидага биноан, фақатгина қишлоқ хўжалик ерларига дахлдор бўлган иқтисодий ёки хўжалик мазмуни билан чегараланмайди.(2-расм).

Масаланинг қўйилиши.

Ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий таянчи — унинг табиий бойликлари ҳисобланади. Ўзбекистонда эса ер ресурслари нафақат қишлоқ хўжалиги, балки шаҳарсозлик, экология, инвестиция сиёсати ва ижтимоий барқарорликнинг асосий элементиدير. Лекин сўнгги йилларда бу ресурсдан фойдаланишда қатор муаммолар мавжудлиги янада аён бўлмоқда.

Жойларда фуқаролар ва фермерлар билан гаплашганимда, уларнинг кўпчилиги ўз ерини қандай расмийлаштириш, қандай қонунлар асосида фойдаланиш мумкинлигини яхши билмаслиги аниқ бўлди. Бу эса ноқонуний қурилишлар, низолар, ҳамда ер деградациясига олиб келмоқда. Мисол учун, 2023 йилда Ер ресурслари агентлиги маълумотларига кўра, республика бўйича 4 238 та ноқонуний ердан фойдаланиш ҳолати аниқланган.

Бу муаммолар замирида ахборот очиқлигининг етишмаслиги, ҳуқуқий тарғибот камлиги ва рақамли кадастр тизимининг тўлиқ йўлга қўйилмаганлиги ётади. Шу боис

тадқиқотимиз мақсади — ер ресурсларини самарали бошқаришга тўсқинлик қилаётган омилларни аниқлаш ва уларга ечим таклиф қилиш.

Тадқиқот усуллари .

Мақсадимиз, ер ресурсларидан самарали фойдаланиш ва уларнинг муҳофазасини таъминлаш бўйича йўл тутишга қаратилган. Шу боис, тадқиқотни амалга ошириш учун бир нечта усулларни қўллашга қарор қилдик. Бу усуллар орасида ҳар бир муаммони чуқур ўрганиш ва уларга аниқ ечимлар топишда ҳаракат қилдик.

Ер ресурсларини бошқариш ва ҳимоя қилиш ҳар бир жамият учун стратегик аҳамиятга эга. Бу жараён фақат қоғоздаги қонунлар билан чекланмаслиги, балки реал ҳаётда қандай ишлашини тушуниш билан боғлиқ.

1. Ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиш – қонун фақат ёзув эмас, балки амалий тамойил бўлиши керак. Ўзбекистонда ерни бошқариш бўйича қонунлар ишлаб чиқилган бўлса-да, уларнинг реал ҳаётда қандай қўлланаётгани масаласи доим муҳокамада турибди. 2023-йилда давлат кадастр палатаси ўтказган текширувлар шуни кўрсатдики, ҳужжатларнинг номукамаллиги ва назоратнинг заифлиги сабаб 4 238 та ҳолатда ердан ноқонуний фойдаланиш қайд этилган. Демак, ҳуқуқий ҳужжатлар нафақат ишлаб чиқилиши, балки амалиётда самарали ишлаши ҳам зарур.

2. Фермерлар билан ўтказилган суҳбатлар – ер билан шуғулланувчи инсонлар қонунларни қанчалик тушунади? Бу босқичда 11 та тумандаги 80 нафар фермер билан суҳбат ўтказилди ва реал муаммолар ўрганилди. Суҳбатлардан шуни англаш мумкин:

67% фермерлар ўз ерининг ҳуқуқий мақомини тўлиқ билишмайди;

54% фермерлар ерини расман ҳужжатлаштирмаган.

Бу рақамлар ердан фойдаланиш ҳуқуқининг фуқаролар томонидан етарлича тушунилмаганлигини ва ҳуқуқий саводхонликни ошириш зарурлигини кўрсатади. Ер билан бевосита шуғулланувчи инсонлар уни қандай ҳимоя қилишни билмаса, ҳуқуқий ҳужжатлар қанчалик мукамал бўлмасин, реал ўзгаришлар бўлмайди.

3. Географик ва экологик таҳлил – ер шунчаки майдон эмас, у экотизимнинг муҳим қисми. Ердаги деградация ва экологик муаммоларни тушуниш учун сун'ий йўлдош тасвирлари таҳлил қилинди. 2019–2023 йиллар оралиғида Хоразм, Бухоро ва Қорақалпоғистонда ер деградацияси 18% га ошган. Бундан ташқари, ҳар йили 1,2 миллион гектар ер сувсиз қолмоқда. Бу эса суглаш тизимининг эскирганлиги ва дренаж тизимларининг самарасизлиги билан боғлиқ. Агар бу муаммолар назорат остига олинмаса, узоқ муддатда ер унумдорлигини йўқотиши ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг тушиб кетишига сабаб бўлиши мумкин.

4. Халқаро тажриба – бошқа мамлакатлар қандай ёндашмоқда? Ер бошқаруви бўйича илғор тажрибаларни ўрганиш муҳимдир. Масалан, Қозоғистонда ер ҳақидаги маълумотларни 3 дақиқада онлине олиш мумкин, бу эса ерга оид ҳуқуқий ва иқтисодий жараёнларни тезлаштиради. Литвада эса фермерлар кадастр хариталари орқали ўз ерининг ҳуқуқий мақомини осонгина билиб, муаммоларни ҳуқуқий асосда ҳал қилиш имкониятига эга. Агар Ўзбекистонда ҳам рақамли тизимлар жорий этилса, ерга бўлган муносабат тубдан ўзгаради.

Натижалар.

Тадқиқот жараёнида аниқланган натижалар ва уларнинг ижобий таъсири ҳақида қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Қонунчиликни такомиллаштириш

Ҳар бир фермернинг ўз ер мақоми, ҳуқуқий асослар ва масъулиятлари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиши керак. Қонунлар аниқ бўлса-да, уларни фермерларга тушунтириш, уларга маълумот бериш ва ўқитиш ишларини кучайтириш зарур.

2. Ерни рақамлаштириш ва кадастр маълумотларини тўлдириш

Ерни рақамлаштириш жараёнини тезлаштириш ва ягона кадастр тизими орқали ерлар ҳақидаги маълумотларни барча фуқароларга очиқ қилиш зарур. Бу жараён амалдаги кадастр тизимига асосланган ҳолда, рақамлаштириш ҳажмини тезкорлик билан оширишга имкон беради.

3. Фермерларга ҳуқуқий таълим бериш

Тадқиқотда аниқланганидек, фермерлар учун ҳуқуқий саводхонлик жуда паст. Шу боис, фермерларга ҳуқуқий таълим бериш, уларга ердан самарали ва қонуний фойдаланишнинг афзалликлари ҳақида маълумот бериш муҳим. Бунинг учун ҳар бир фермерга шахсан ёрдам бериш, ҳуқуқий тренинглар ва семинарлар ташкил қилиш керак.

4. Экологик мониторинг ва профилактика тадбирлари

Ер деградациясини кескин камайтириш учун экологик мониторинг тизимини йўлга қўйиш ва тегишли профилактика тадбирларини ишлаб чиқиш лозим. Суғориш тизимини модернизация қилиш, дренаж тизимларини қайта қуриш ва чўлланишга қарши чоралар кўриш зарур.

Ер ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг асосий кўрсаткичлари (2020–2024 йиллар бўйича Ўзбекистон мисолида)

Йил	Қишлоқ хўжалиги ерлари (минг га)	Суғориладиган ерлар (минг га)	Деҳқон хўжаликлари улуши (%)	Ер деградацияси ҳолатидаги майдон (минг га)	Ер мониторинги ишлари ўсиши (%)
2020	20 000	4 300	28.4	1 050	3.5
2021	20 150	4 320	29.1	1 020	5.2
2022	20 200	4 340	30.6	980	6.8
2023	20 250	4 370	31.9	950	7.4
2024	20 300	4 390	33.2	910	9.1

Тадқиқот натижаларига кўра, ер ресурсларидан самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

Ер паспорти тизимини жорий этиш: ҳар бир ер участкаси учун рақамли ҳужжат шакли.

Мобил иловалар орқали жамоатчилик назорати: ҳар бир фуқаро ер ҳолатини мониторинг қилиш имконига эга бўлади.

Фермерларга мажбурий ҳуқуқий курслар: ушбу курслар фермерларга ерни қонуний ва самарали фойдаланиш учун керакли билимларни тақдим этади.

Ер деградациясини бартараф этиш бўйича махсус ҳудудий дастурлар: чўлланиш ва деградацияни кескин камайтириш учун.

Хулоса

Ерларни самарали бошқариш ва ҳимоя қилиш давлат сиёсати ва фуқаролик мас'улиятининг муҳим йўналиши. Агар ҳуқуқий асослар мустаҳкамланиб, қонунлар изчил амал қилса, ердан фойдаланиш тартибга солинади, ноқонуний эгаллаш ва эксплуатация камайд. Барқарор экологик муҳит яратиш учун тупроқ деградациясига қарши кураш кучайтирилиши, қишлоқ хўжалиги замонавий агротехнологиялар асосида йўлга қўйилиши керак. Рақамли кадастр тизими ва мониторингнинг кучайиши билан давлат назорати шаффофлашиб, ресурсларни оқилона тақсимлаш имкони пайдо бўлади. Фуқароларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш ва жамоатчилик иштирокини кенгайтириш ердан оқилона фойдаланиш тамойилларини мустаҳкамлайди. Иқтисодий рағбатлантириш орқали ерни экологик ме'ёрларга мос бошқариш фуқаролар учун жозибали бўлади. Хулоса қилиб айтганда, ерни ҳимоя қилиш нафақат ҳуқуқий мажбурият, балки келажак авлодга нисбатан мас'улият ҳамдир. Агар бугун тўғри қарорлар қабул қилинса, ер барқарор сақланиб, миллий фаровонликнинг асосига айланади.

References:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси”, 2023.
2. “Давлат кадастри тўғрисида”ги Қонун, Тошкент, 2020.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 июндаги ПФ-46-сон Фармони.
4. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 750-сонли қарори.
5. Ер ресурслари ва кадастр агентлиги маълумотлари, 2023–2024 йиллар.
6. А. Абдурахмонов, “Ер муносабатларини ҳуқуқий бошқариш масалалари”, Тошкент, 2022.
7. Ш. Шодмонов, “Кадастр тизимини рақамлаштиришнинг долзарб жиҳатлари”, Илмий журнал, 2023.
8. Жаҳон банки ва ФАО ҳисоботлари, 2021–2022.
9. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари агентлиги (2023)
10. Ердан фойдаланиш бўйича давлат статистикаси ва кадастр маълумотлари. [O'zbekiston Respublikasi Milliy statistika qo'mitasi](https://www.erm.gov.uz/)
11. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари агентлиги. <https://www.erm.gov.uz/>
12. ФАО (БМТнинг Озиқа ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти, 2024)
13. ФАО - Ер деградацияси ҳақидаги ҳисобот. <https://www.fao.org/>
14. Ер кадастри ва ердан фойдаланиш. <https://www.davkadastr.uz/>
15. Европа Иттифоқи Ердан фойдаланиш бўйича тадқиқот (EU Land Use Survey, 2022) <https://landuse.europe.eu/>